

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ

**II жилд
(XIX асрнинг II ярми – 1989 йил, июнь)**

(Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик)



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

ТОШКЕНТ

2015

УЎК: 94(575.1)(075)

КБК: 63.3(5Ў)

Э-99

Ўзбекистон тарихи: дарслик/Масъул муҳаррир ва ижодий гуруҳ раҳбари Р.Ҳ.Муртазаева. Муаллифлар: Б.Ж.Эшов, Х.Э.Юнусова, Р.Э.Холиқова, А.А.Одилов, М.М.Ҳайдаров, К.Д.Саипова, А.Р.Абдуқаюмов, А.А.Инсопов. — Тошкент: Янги аср авлоди, 2015 — 532 б.

ISBN 978-9943-27-579-9

Олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган ушбу «Ўзбекистон тарихи» дарслиги мамлакатимиз тарихининг XIX аср II ярмидан 1989 йилгача бўлган даврини ўз ичига қамраб олган ҳамда 2014 йилда нашр этилган Ўзбекистон тарихи I жиддининг давоми ҳисобланади. Мазкур дарслик мустақиллик йилларида олиб борилган тадқиқотларнинг умумэтироф этилган натижалари билан бойитилганлиги, фан бўйича инновацияларни ўз ичига қамраб олганлиги билан илгариги ўқув адабиётларидан фарқ қилади. Ушбу дарслик бакалавр ўқув режаси асосида тузилган Ўзбекистон тарихи фани дастури асосида ёзилган ва биринчи босқич талабаларига мўлжалланган бўлишига қарамасдан, ундан магистрлар, ёш тадқиқотчилар, тарихчи-олимлар ҳам кенг фойдаланишлари мумкин. Дарслик юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ЎзМУ нинг «Ўзбекистон тарихи» кафедрасида қабул қилинади.

Масъул муҳаррир ва ижодий гуруҳ раҳбари:

Р.Ҳ.Муртазаева, тарих фанлари доктори, профессор.

Тақризчилар:

Н.У.Мусаев, тарих фанлари доктори, профессор,

Д.Б.Бобожонова, тарих фанлари доктори, профессор.

Муаллифлар жамоаси:

Б.Ж.Эшов, тарих фанлари доктори, профессор,

Х.Э.Юнусова, тарих фанлари доктори,

Р.Э.Холиқова, тарих фанлари доктори,

А.А.Одилов, тарих фанлари номзоди, доцент,

М.М.Ҳайдаров, тарих фанлари номзоди, доцент,

К.Д.Саипова, тарих фанлари номзоди, доцент,

А.Р.Абдуқаюмов, тарих фанлари номзоди,

А.А.Инсопов, катта ўқитувчи.

Ф.1-32 «Ўзбекистон тарихи фанидаги инновацияларни олий таълим тизими-га татбиқ этиш» мавзусидаги грант маблағи ҳисобидан чоп этилди.

Дарслик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Мувофиқлаштирувчи Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган (баён-нома № 4 «17» апрель 2015 й.).

ISBN 978-9943-27-579-9

© «Ўзбекистон тарихи». «Янги аср авлоди», 2015.

КИРИШ

XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошларида Россия империяси ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиёда мавжуд мустақил ўзбек хонликлари давлатчилиги тизимларига чек қўйилди, хонликлар империя вассалларига айлантирилди. Уларнинг устидан «ҳарбий-маъмурий бошқарув» деб номланган мустамлакачиликка хос зўравонлик тартиботи ўрнатилди. Оқибатда меҳнаткаш аҳоли икки томонлама — маҳаллий ва мустамлакачи ҳукмдорлар жабр-зулми гирдобига тортилди. Бунга қарши ўлка халқларининг кенг қамровли озодлик ҳаракатлари авж олди.

Шундай вазиятда Россия империяси Ўрта Осиёни хомашё базасига айлантиришни давлат сиёсатининг устувор вазифаси сифатида белгилаб олди.

Туркистон иқтисодий ҳаёти ҳам айнан шу мақсадга бўйсундирилди. Ўлка халқларининг эрк ва ҳуррият учун кураши миллий-озодлик ҳаракатлари мазмун-моҳиятида ўз аксини топган бўлса, миллий тараққийпарвар кучларнинг маърифатчилик ҳаракати жаҳидчилик ҳаракатида намоён бўлди.

Таъкидлаш жоизки, Россия империясининг мустамлакачилик сиёсати маълум даражада ўзгача қолип ва андозаларда совет ҳокимияти ҳукмронлиги даврида ҳам намоён бўлди. Зиддиятли ва мураккаб жараёнларга тўла совет ҳокимияти ҳукмронлиги даври Ўзбекистонда ҳам ўзининг асоратли оқибатларини қолдирди. Мазкур даврда Ўзбекистон марказнинг хомашё базаси ва маҳсулот бозорига айлантирилди, қишлоқ ҳўжалигида пахта яккаҳокимлиги қарор топди, маданий-маърифий ҳаёт буткул коммунистик маф-

кура измига солинди, ўзбек халқининг бой тарихий-маданий мероси, анъана ва қадриятлари, диний эътиқоди оёқ ости қилинди, ижтимоий ҳаётда қатағон-зўравонлик, маъмурий буйруқбозлик сиёсати натижасида кишилар онгига қўрқув руҳи сингдирилиб, манқуртлик, лоқайдлик ва бошқа салбий иллатлар юзага келди, халқимизнинг кўплаб асл фарзандлари қатағон қилинди. Қулоқлаштириш, жамоалаштириш сиёсати эса халқимиз бошига кўплаб қулфатларни солди ва ҳоказо.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов яқин ўтмиш тарихини ўрганишнинг аҳамияти, тарих сабоқларидан тегишли хулоса чиқариш хусусида ҳақли тарзда қуйидагиларни таъкидлаган эди: «Мустабид тузумдан бизга қандай оғир, қандай ночор мерос қолгани, халқимиз қанча азоб-уқубатлар тортганини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак... Айни пайтда биз бошимиздан кечирган кечаги кун, яқин тарихимизда рўй берган мана шундай фожиали воқеаларни ҳам бугунги ва келажак авлодларимизнинг онгу шуурига етказиш ҳақида ҳам бош қотиришимиз зарур. Униб-ўсиб келаётган ёшларимизни тарих сабоқлари билан, тарих ҳақиқати билан қуроолантиришимиз лозим».¹

Юқорида таъкидланган тарихий жараёнлар мустақиллик йилларида тарихчи олимлар, тадқиқотчилар томонидан илмий ва ҳолисона тарзда ўрганилди, бу борада кўплаб илмий тадқиқот ишлари амалга оширилди, эътиборга молик қатор монография, қўлланма, дарсликлар чоп этилди.

Эътиборингизга ҳавола қилинаётган ушбу дарслик мазкур жараёнларнинг мантиқий давоми сифатида юзага келган бўлса-да, бир қатор жиҳатлари билан улардан фарқланишини қайд этиш лозим. Дарслик 2012–2015 йилларга мўлжалланган Ф-1-32 «Ўзбекистон тарихи фанидаги инновацияларни олий таълим тизимига татбиқ этиш»² мавзусидаги

¹ Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи ташкилий йиғилишидаги нутқи. // Халқ сўзи, 2015 йил 13 январь.

² Грант лойиҳаси асосида режалаштирилган Ўзбекистон тарихининг I жилди 2014 йил нашр юзини кўриб, ўз ичига энг қадимги давр-

грант ижроси бўйича ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим ва- зирлигининг янги дарслик яратиш тўғрисидаги кўрсатмасига мувофиқ тарзда тайёрланди. Ушбу дарсликда мустақиллик йилларида Россия империяси ва советлар ҳукмронлиги дав- ри тарихига оид амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари хулосалари, инновациялар, кенг қамровли замонавий ўзбек ҳамда чет эл тарихий адабиётлари, архив ҳужжатлари маъ- лумотларидан самарали фойдаланилган. Шу боис китобда қуйида қайд қилинаётган жиҳатлар эътиборга сазовордир:

– ҳар бир мавзу бўйича масаланинг тарихшунослиги асосли тарзда ёритиб берилди;

– Россия империяси босқини, ўлка халқларининг озод- лик ҳаракатлари, мустамлака Туркистонидаги ижтимо- ий-иқтисодий ҳаёт масалалари замонавий талқинда янгича назарий-методологик йўналишда кўрсатилди;

– совет ҳокимиятининг мамлакатимизда олиб борган ижтимоий-иқтисодий, маданий сиёсатининг мустамлакачи- лик моҳияти таҳлил этилди;

– пахта яккаҳокимлиги, экологик таҳдид, Ўзбекистон- нинг хомашё базасига айланишининг асоратли оқибатлари янги материаллар орқали ёритиб берилди;

– мустақиллик йилларида амалга оширилган мавзуга оид илмий тадқиқот ишлари, хусусан, номзодлик ва докторлик диссертациялари хулосаларидан атрофлича фойдаланилди.

Китобдаги фарқли жиҳатлардан яна бири бу – фан ва таълим уйғунлиги нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда за- монавий адабиётларга қўйиладиган барча талабларни ўзида жам эта олганлиги ҳисобланади. Бу эса мазкур давр бўйича илмий изланиш олиб бораётган тадқиқотчилар учун ватани- миз тарихшунослиги ҳамда инновациялардан фойдаланишда зарур қўлланма ролини ҳам ўташи мумкин.

Муаллифлар жамоаси дарслик юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни миннатдорчилик билан қабул қилади.

дан то XIX асрнинг II ярмигача бўлган тарихий жараёнларни қамраб олган. (Б.Ж.Эшов, А.А.Одилов. Ўзбекистон тарихи I жилд. Энг қа- димги даврдан XIX аср ўрталаригача. Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. -656 б.т).

IV. РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ВА СОВЕТЛАР ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИ

12-мавзу. Ўзбек хонликларининг Россия империяси томонидан босиб олиниши. Мустамлакачилик зулмига қарши миллий-озодлик ҳаракатлари. Жаидчилик

Режа:

1. XIX аср ўрталарида ўзбек хонликларида ижтимоий-сиёсий аҳвол. Россия империясининг хонликлар ҳудудларига дастлабки ҳарбий ҳаракатлари.

2. Россия империясининг Туркистон ўлкасини босиб олишнинг сиёсий ва иқтисодий сабаблари.

3. Хонликларни босиб олиш учун амалга оширилган ҳарбий ҳаракатлар. Туркистон генерал-губернаторлиги.

4. Россия империяси босқини арафасида Қўқон хонлигидаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий аҳвол. Қўқон хонлигининг тугатилиши. Фарғона вилояти.

5. XIX асрнинг II ярмида Бухоро амирлигидаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий аҳвол.

6. Россия империясининг Бухоро амирлигига қарши босқинчилик юришлари. Амирликнинг қарам давлатга айлантирилиши. Абдулмалик тўра (Катта тўра) бошчилигидаги озодлик ҳаракати.

7. XIX асрнинг ўрталарига қадар Хива хонлигидаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий аҳвол. Хива хонлигининг Россия империяси томонидан босиб олиниши.

8. Россия империясининг мустамлака бошқарув усули. Туркистоннинг Россия империяси саноат ўлкасига айлантирилиши. Ҳунармандчилик. Темир йўллар. Аграр сиёсат.

9. Россия империясининг Туркистонга аҳолини кўчириш сиёсати. Мустамлака Туркистондаги маданий-маърифий ҳаёт.

10. Туркистон ўлкасидаги миллий-озодлик ҳаракатлари. Жаидчилик ҳаракати.

11. Россия империясининг Туркистон ўлкаси бойликлари-ни талаш сиёсати.

1. XIX аср ўрталарида ўзбек хонликларида ижтимоий-сиёсий аҳвол. Россия империясининг хонликлар ҳудудларига дастлабки ҳарбий ҳаракатлари

Нега бу миллат XVII–XIX асрларга келиб, то шу чоққача эришган юксалиш даражаларидан тушиб кетди? Нега сўнги уч аср мобайнида бошимиз қолақликдан чиқмай қолди? Аждодларимизнинг қаттиқ қаршилигига қарамай, Россия империясининг ўлкамизни нисбатан осон забт этишига ана шу қолақликнинг ҳам ўрни бўлмаганмикан?

Ислом КАРИМОВ

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган Россия империясининг Туркистон ўлкасига уюштирган босқинчилик юришлари, мустамлакачилик сиёсати, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, миллий-озодлик ҳаракатлари, умуман, империя босқинининг мақсад-моҳияти ва оқибатлари ҳақидаги манбалар — қўлёзма асарлар, эсдаликлар, хотиралар, ҳужжатлар ва архив маълумотлари мажмуи кўпчиликни ташкил этади. Афсуски, совет ҳукмронлиги даврида уларнинг барчаси бир ёқлама тадқиқ этилиб, масаланинг моҳиятига холисона баҳо берилмади.

Мавзу бўйича кўплаб тарихий асарлар мавжуд бўлиб, уларнинг орасида қуйидагилар: Муҳаммад Солиххўжанинг «Тарихи жадидаи Тошканд», Мирзо Абдулазим Сомийнинг «Тарихи салотин манғития», Муҳаммад Аттор Хўқандийнинг «Тарихи жаҳоннамои», Ибратнинг «Фарғона тарихи», Юсуф Баёнийнинг «Шажарайи Хоразмшоҳий», Ҳаким Маъсумхоннинг «Мунтахиб ут-таворих», Муҳаммад Содиқ Муншийнинг «Қўқон хонлиги тарихи», «Тарихи Манзум», Азиз Марғилонийнинг «Тарихи Азизий», Аҳмад Донишнинг «Манғит амирлари тарихи», Муҳаммад Фозилбекнинг «Мукаммали тарихи Фарғона» ва ҳоказолар муҳим ўрин эгаллайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ФА Шарқшунослик институти жамғармасида ҳам мавзунинг у ёки бу то-

монларини ёритувчи манбалар туркуми сақланади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви жамғармаларида сақланаётган турли ҳужжатлар, XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошларида чоп этилган матбуот нашрлари мавзу ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Таъкидлаш жоизки, ўтган асрнинг 20-йилларида Г.И.Сафаров, П.Г.Галузо, А.З.Валидий ва бошқа шу каби муаллифларнинг тадқиқотларида Россия империяси мустамлакачилик сиёсатининг туб моҳияти ўз аксини топган эди.

Ушбу мавзунинг тадқиқ этиш, ўрганиш XX асрнинг 20-йилларидан бошланган бўлишига қарамай, мустақиллик йилларида Россия империясининг Туркистон ўлкасини босиб олиши ҳамда ўлкада олиб борилган мустамлакачилик сиёсат илмий ва ҳаққоний тарзда ёритилмоқда. Ушбу мавзунинг турли жиҳатлари бўйича Ҳ.Зиёев, Н.Абдурахимова, Ф.Исҳоқов, Ҳ.Содиқов, Ф.Эргашев, Р.Шамсутдинов, Ҳ.Бобобеков, Д.Зиёева, П.Равшанов, Қ.Усмонов, З.Чориев, Ш.Воҳидов, Н.Мусаев каби кўплаб олимларнинг тадқиқотлари катта аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошларида мустамлака Туркистон ўлкаси, империя қарамлигидаги Бухоро, Хива хонликларида рўй берган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, иқтисодий ва маданий ҳаёт тарихининг ўрганилмаган ёки кам тадқиқ этилган мавзуларига ойдинлик киритилди, жади́дчилик ҳаракати, атоқли жади́д маърифатпарварларининг фаолияти хусусида, ўлкада рўй берган миллий-озодлик ҳаракатлари тўғрисида қатор илмий изланишлар амалга оширилди ва ҳоказо.

XIX асрнинг ўргаларида ўзбек хонликларида ижтимоий-сиёсий аҳвол. XIX асрнинг ярмига келиб Ўрта Осиёда уч хонлик ўртасидаги тўхтовсиз урушлар, келишмовчилик ва низолар, турли норозилик ҳаракатлари хонликлардаги сиёсий-ижтимоий, иқтисодий вазиятни оғирлаштириб юборган эди. Бухоро амирлигида «Амири масъум» («Бегуноҳ амир») Амир Шоҳмурод 1800 йилда вафот этгач, унинг ўғли Амир Ҳайдар (1800 — 1826 йй.) тахтга ўтирди. Отасининг сиёсати-



ХІХ асрнинг иккинчи ярмида Бухоро

ни давом этиришга ҳаракат қилган Амир Ҳайдар Бухоро амирлигининг бутунлигини сақлаш, Зарафшоннинг юқори ҳудудлари, Шаҳрисабз, Миёнқол ерларини қўлда сақлаб қолиш учун урушлар олиб борди. Ўратепани эса вақтинча бўйсундиришга эришди.

Бухоро ва Қўқон хонликлари орасида ўзаро урушлар кейин ҳам бўлиб турди. Қўқон хони Олимхон 1807, 1810 йилларда Ўратепага ҳужум қилиб, катта ўлжаларни Қўқонга олиб кетди. Бундай ҳужумлар Жиззах ва Зоминга ҳам уюштирилди.

Доимий урушлар катта харажатларни талаб этгани боис, Амир Ҳайдар қўшимча солиқлар йиғиш ҳақида фармон берди. Бу эса шусиз ҳам ночор бўлган меҳнаткаш аҳоли аҳволининг янада оғирлашувига ва Амир Ҳайдар олиб бораётган сиёсатга қарши норозилик ҳаракатларига сабаб бўлди. Шундай халқ қўзғолонлари 1821 – 1825 йилларда Миёнқол, Самарқанд ва Ургутда бўлиб ўтди. Амир Ҳайдар Шаҳрисабз ва Марв воҳасида ҳам урушлар олиб боришга мажбур бўлди.

Ташқи сиёсат борасида Амир Ҳайдар қўшни Афғонистон билан дўстлик алоқаларини ўрнатди. Аммо Бухоро амирлигининг Қўқон ва Хива давлатлари билан ўзаро муносабатлари эса кескин ҳолатда эди. Манбаларга кўра, айнан мана



Бухоро арки

шундай кескин сиёсий вазият тақозоси билан Амир Ҳайдар турк султони Маҳмуд II га ёрдам сўраб мурожаат этишга мажбур бўлган ҳамда унинг итоатига ўтишга тайёр эканлигини маълум қилган. 1826 йилда Амир Ҳайдар вафот этганидан сўнг унинг катта ўғиллари Амир Ҳусайн (икки ярим ой) ва Амир Умар (тўрт ой) қисқа муддат тахтга ўтиришган. Бироқ улар ўз укалари Насрулло томонидан ўлдирилган. Амир Насруллонинг ҳукмронлиги даври (1826–1860 йй.) аввало, Бухоро давлатидаги сиёсий тарқоқлик, зодагонларнинг ўзбошимчалигига қисман барҳам берилиши билан изоҳланса-да, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи деярли ўзгармади. Амир Насрулло ҳокимиятни бошқаришда ниҳоятда қаттиққўл бўлиб, кўплаб урушлар олиб борди.

Амир Насрулло даврида Шаҳрисабз беқлиги Бухорога бўйсунмай, ярим мустақил беқлик сифатида фаолият кўрсатган. Шунинг учун ҳам Насрулло сиёсатидан норози бўлган кўплаб амалдорлар Шаҳрисабзга қочиб паноҳ топганлар. Амир Насрулло 20 йил давомида Шаҳрисабзга 32 марта ҳужум қилиб, 1852 йилда Шаҳрисабз ва Китобни бўйсундирди. У Қўқон ва Хива хонлари билан ҳам урушлар олиб борди.

Амир Насрулло 1842 йилда Қўқонга юриш қилиб, уни эгаллади. Бу ерда кўплаб қирғинлар ўтказди. Аммо бу пайтда Хива



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/1952> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1952> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/1952>